



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 27 апрель, № 82 (5502)

Жума

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Оилавий тадбиркорлик тўғрисида

Қонуничилик палатаси томонидан 2012 йил 6 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган

1-боб. Умумий қондалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қондалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қондалари қўлланилади.

3-модда. Оилавий тадбиркорлик

Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан тавakkал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади.

Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонадир.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4-модда. Оилавий корхона

Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улуши ёки биргаликдаги мулкда бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулк негизда ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида биридир.

Оилавий корхона фаолиятни фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин. Оилавий корхона ўз мулкда алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулк хуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Оилавий корхона ўз мажбуриятлари бўйича қонунга мувофиқ ундирув қартилиши мумкин бўлган ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради.

Оилавий корхона иштирокчилари корхона мол-мулк етарли бўлмаганда оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан қонун ҳужжатлари мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларида мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкин.

Оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оза бўлмаслиги керак.

Оилавий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлиши ҳақли. Оилавий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номи ва «oilauiy korxonа» деган сўзларни ўз ичига олиши керак. Оилавий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номи ва «oilauiy korxonа» деган сўзларни ёки «OK» аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

5-модда. Оилавий корхона иштирокчилари

Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онани, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амама ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Фақат муомалага лаёқатли шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

Давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас.

Бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас.

6-модда. Оилавий корхона бошлиғи

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда оилавий корхона номидан унинг бошлиғи иш кўради.

Оилавий корхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи бўлиши мумкин, унга оилавий корхонанинг барча иштирокчилари бир овоздан иш муомаласида ўз номларидан иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Оилавий корхона бошлиғи вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган ёки узоқ вақт бўлмаган тақдирда, у ўз вазифасини вақтинча бажариб туриш ваколатини оилавий корхонанинг қолган иштирокчилари билан келишган ҳолда улардан бирига бериши ҳақли.

(Давоми 2-бетда).

Замонавий ва тежамкор технологиялар

Навоий иссиқлик электростанциясининг ишлаб чиқариш қувватини янада оширишга хизмат қилади

Президентимиз 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ўтган йили мамлакатимизда фаол инвестиция сийсати олиб борилиши натижасида кўпгаб замонавий корхоналар ишга туширилганлиги, хусусан, “Навоий иссиқлик электростанцияси” очик акциядорлик жамияти тасарруфидаги янги буғ-газ қурилмасини бунёд этиш ишлари якунига етаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Модернизация

Дарҳақиқат, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юксалиши, энергетика тизими барқарорлигини таъминлашда мазкур санат корхонасининг муносиб ҳиссаси бор. Шу боис кейинги йилларда бу ерда мавжуд технологияларни янгилаш ва модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 19 августдаги қарори асосида “Навоий ИЭС” очик акциядорлик жамиятида буғ-газ қурилмаси ислотхотларни янги бошқича олиб чиқди.

— Мазкур қурилма, аввало, тежамкорлиги билан ажралиб туради, — дейди жамият бош муҳандиси ўринбосари Азим Ёқубов. — Масалан, ҳозир станцияда 1 кВт соат электр энергияси олиш учун ўртача 400 грамм шартли ёқилги



сарфланаётган бўлса, янги қурилма орқали бу кўрсаткич, кўпи билан, 235 граммни ташкил қилади. Бу йилга 330 млн. кубометр газ тежалади, деганидир. Қолаверса, у экологик талабларга тўлиқ жавоб беради. Яна бир эътиборли жиҳати, янги қурилма компьютерлаштирилган, барча технологик жараёнлар автоматик тарзда бошқарилади. Бу эса ускуналарнинг юқори суръатда ҳамда барқарор ишлашини таъминлайди. Иншоотни қуриш ишлари етак-

чи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда. Технологиялар Япониянинг “Мицубиси” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. 2009 йил сентябрь ойидан бошланган мазкур лойиҳа ижроси жорий йил октябрь ойида тўлиқ нияосига етказилади.

— Навоий иссиқлик электростанцияси вилоятдаги йирик иншоотлардан бири, — дейди корхона смена бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Комил Иброгимов. — Ҳозирги вақтда станция 1000 мВт

қувват билан фаолият юритапти.

Албатта, мураккаб технологияларни бошқариш осон йомуш эмас. Бунинг учун замонавий билимларни пухта эгаллаган, катта маъна ва тажрибага эга мутахассислар зарур. Шундан келиб чиқиб, станцияда мунтазам ўқув машғулотлари ўтказиб борилапти. Шунингдек, бир гуруҳ ходимлар ўтган йилнинг май-июнь ойларида Япониянинг “Мицубиси” компаниясида, июнь ойида эса Испания пойтахти Мадрид

шаҳрида малака ошириб қайтишди.

Албатта, санаот тараққий этиши, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалиши билан электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам тобора ортиб бораверади. Шундай экан, истиқболда хонадонларимизнинг янада чарогон ҳамда файзли бўлишини таъминлаш учун бу йўналишдаги ислотхотларни изчил давом эттириш — устувор вазифаридир.

А. ЗАРИПОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мамлакатимизда:



Қисқа сатрларда

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

• Кегайли туманида икки қаватли тураржой биноси мукаммал таъмирдан чиқарилиб, 16 та ёш оилага туҳфа қилинди. Замонавий қиёфа касб этган мазкур иншоотда барча шарт-шароит яратилган.

• Андижон шаҳрида Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик ташаббуси билан “Машинасозликда замонавий материаллар, техника ва технологиялар” мавзuida илмий-амалий семинар ўтказилди. Шунингдек, тадбир доирасида иштирокчилар “GM-Uzbekistan”, “Уз Сем Юнг” ва “Уз Донг Ян Ко” қўшма корхоналари фаолияти билан ҳам яқиндан танишди.

• Жарқўргонлик тадбиркор Алижон Рустамов салқин ичимликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Банкнинг 61 миллион сўмлик кредити эвазига амалга оширилган ушбу лойиҳа туфайли 10 та доимий иш ўрни яратилди.

• Хонобод шаҳридаги “Ойдин омад бахт” хусусий корхонасида қисқа муддатда 21 тонна импорт ўрнини босувчи сўт махсулотлари тайёрланиб, савдо шохчаларига етказиб берилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Сифат — иқтисодий ривожланиш мезони

Пойтахтимизда шундай шиор остида “TQM Uz — 2012” халқаро сифат форуми иш бошлади.

Тошкент

Тошкентда бешинчи марта ўтказилган ушбу форум “Узстандарт” стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Сифат ме-

нежерлари ва аудиторлари халқаро ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси, “ИнтерСерт консалтинг Тошкент” масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилди.

Сўнги йилларда Презид-

дентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида эришилган иқтисодий ривожланиш суръатлари Ўзбекистоннинг дунёда жадал ривожланиб бораётган давлатлардан бири сифатида эътироф этилишига ёрдам берди.

(Давоми 3-бетда).

Наманган

Уйчи туманида кейинги икки йил давомида намунавий лойиҳа асосида 80 та тураржой барпо этилди.

Уйчида уй тўйлари

Уларнинг 15 таси Ёрқўргонда жойлашган бўлиб, қишлоқ аҳлига Мустаҳкам оила йилида муносиб туҳфа бўлди. Бунинг учун ҳудудда 1,6 миллиард сўмликдан зиёд бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

— Янги уйларнинг ўзига хос дизайни, худуд табиати-га мослаб қурилганлиги бизга фойда манзур бўлди, — дейди оиласи билан уч хонали шинам тураржойга кўчиб кирган Гаваҳархон Муталова.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўп тармоқли корхона

Жиззах шаҳридаги “Ҳақиқат Отабек” кўп тармоқли корхонаси томонидан қоп ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линия ишга туширилди.

Жиззах

Қиймати 300 миллион сўмлик ушбу лойиҳани амалга ошириш учун корхонанинг ўз маблағидан ташқари 88 миллион сўмлик банк кредити сарфланди. — Учтепа даҳаси худудидан фойдаланил-

май турган бўш бинони қайта таъмирлаб, 55 минг АҚШ долларлиқ замонавий ускуналар олиб келиб ўрнатдик, — дейди корхона раҳбари Отабек Каримов. — Ҳозир бу ерда 35 нафар қишлоқ ёшлари уч сменада меҳнат қилишмоқда.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Тадбир

Бугун юртимизда интернет хизматидан фойдаланувчилар саккиз миллион нафардан зиёдни ташкил этмоқда.

«Он-лайн» мулоқотлар таҳлили

Табиийки, глобал тармоқ аъзоларининг аксарияти ёшлар: кимдир дўст орттириш, яна кимдир жаҳонда рўй бераётган энг сўнги янгиликлардан бохабар бўлиш, бошқа биров эса турли халқаро форум ва мулоқотларда иштирок этиш мақсадида виртуал тармоққа мурожаат қилади.

Шуниси ҳам борки, чегара билмас интернет оламида бу каби суҳбат мулоқотлар турлича таъсир ва аҳамиятга эгадир.

Эътиборлиси шундаки, мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самардорлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган катор ҳуқуқий ҳужжатлар ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилган ижтимоий лойиҳалар эса бугун минглаб ёшларда қизиқиш уйғотиб, уларнинг бўш вақтини унумли ташкил этишга хизмат қилаёттир. Хусусан, жорий йилнинг март ва апрель ойларида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилган он-лайн мулоқотларда 250 минг нафардан зиёд ёшлар мунтазам иштирок эт-

ганлиги ҳам фикримиз тасдиғи бўла олади.

— Миллий қадриятлар, оилавий муносабатлар, санъат, спорт, соғлом турмуш тарзи тарғиботи синга мавзулардаги ушбу мулоқотларда хорижда тахлил олаётган ўнлаб Ўзбекистонлик талабалар ҳам фаол қатнашишди, — дейди “Камолот” ЁИХ Марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Мухаммаджонова. — Веб-сайт орқали экспертларга савол йўлаган ёшларимиз орасидан энг сара саволлар муаллифлари аниқланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди. Қувонарлиси эса “он-лайн” мулоқот мухлисларининг талаб ва тақлифлари инобатга олиниб, ушбу тадбирлар кўламини янада кенгайтириш ва уларни бундан буён ҳам мунтазам ўтказиб боришга қарор қилинди.

Харакатнинг марказий кенгашида бўлиб ўтган сарҳисоқ тадбирида “Камолот” етакчилари ва экспертлар келгусидаги мулоқотларда эътибор қартилиши лозим бўлган жиҳатлар хусусида тўхталиб, бу борадаги аниқ тақлиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

2012 йилнинг биринчи чорағида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиши

7,5 фоизни ташкил қилди.

Президентимиз томонидан шу йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгиланган 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифарлари ижроси туфайли иқтисодий-иқтисодий шундай юқори ўсиш суръати ҳамда макроиктисодий барқарорлиқнинг янада мустаҳкамланиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Оилавий тадбиркорлик тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2-боб. Оилавий корхонани ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш

7-модда. Оилавий корхонани ташкил этиш тартиби

Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан ташкил этилади.

Оилавий корхона, агар унинг таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, номуайян муддатга ташкил этилади.

8-модда. Оилавий корхона иштирокчиларининг умумий йиғилиши

Оилавий корхона иштирокчиларининг умумий йиғилиши оилавий корхонанинг юқори бошқарув органидир.

Оилавий корхона иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради:

оилавий корхонанинг таъсис шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

оилавий корхона бошлиғини сайлаш;

оилавий корхона фаолиятининг турларини белгилаш;

оилавий корхонанинг устав фондини белгилаш ва унинг миқдорига ўзгартишлар киритиш;

оилавий корхона бошлиғининг оилавий корхона молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисоботини кўриб чиқиш;

таъсис шартномасига мувофиқ оилавий корхонанинг фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
оилавий корхонанинг мол-мулкига доир йирик битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Оилавий корхона иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатларига таъсис шартномасида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

9-модда. Оилавий корхонанинг таъсис шартномаси

Оилавий корхонанинг таъсис ҳужжати мазкур корхона­нинг барча иштирокчилари томонидан тузиладиган таъсис шартномасидир.

Оилавий корхонанинг таъсис шартномасида қуйидаги­лар кўрсатилади:

оилавий корхона бошлиғининг ва оилавий корхона бошқа иштирокчиларининг фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда яшаш жойи (манзили);

оилавий корхона устав фондининг миқдори;

оилавий корхона иштирокчилари томонидан унинг устав фондига киритиладиган мол-мулкни белгилаш тартиби;

оилавий корхонанинг фирма номи ва жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар;

оилавий корхона иштирокчилари ўртасида тадбиркор­лик фаолиятидан олинган фойдани, шунингдек оилавий корхона тугатилганда мол-мулкни тақсимлаш тартиби;

оилавий корхона иштирокчиларининг оилавий корхона фойдаланишига берилаётган мол-мулк рўйхати;

оилавий корхонанинг мол-мулкига доир йирик битимнинг миқдори;

оилавий корхона иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби;

оилавий корхона иштирокчилари муҳим деб ҳисоблай­диган бошқа шартлар.

Таъсис шартномаси оилавий корхонанинг барча иштирокчилари томонидан имзоланади.

Оилавий корхона бошлиғи ўзгарган, иштирокчи оилавий корхона таркибига ихтиёрий равишда кирган (ундан чиқиб кетган), эр ва хотин ўртасидаги никоҳ бекор қилинган ёки оилавий корхона иштирокчиси вафот этган ва бу ҳоллар оилавий корхона балансига берилган оилавий корхона иштирокчиларининг мол-мулки рўйхатида ўзгаришларга сабаб бўлган тақдирда, таъсис шартномасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади. Бунда оилавий корхонани қайта давлат рўйхатидан ўтказиш талаб қилинмайди.

10-модда. Оилавий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш

Оилавий корхона кичик тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган соддалаштирилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан юридик шахс макомига эга бўлади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчини оилавий корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талаблар белгилашга ҳақли эмас.

Ариза берувчини оилавий корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганили, шунингдек рўйхат­дан ўтказиш муддатини бузганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда, улар ариза берувчига оила­вий корхонани рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди ва маънавий зарар учун компенсация тўлайди.

11-модда. Оилавий корхонанинг устав фонди

Оилавий корхонанинг устав фонди пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк, шу жумладан пул билан баҳоланадиган мулкий ҳуқуқлар ёки ўзга шахсга ўтказиладиган бошқа ҳуқуқлар ҳисобидан шакллантири­лади. Ягона уй (квартира) оилавий корхонанинг устав фондига киритилиши мумкин эмас.

Оилавий корхона иштирокчилари оилавий корхонанинг устав фондига корхона таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда ўзлари киритадиган мол-мулкни мустақил равишда белгилайди.

Оилавий корхонанинг устав фонди корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этиладиган санадаги қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

3-боб. Оилавий корхонанинг ҳамда унинг иштирок­чиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

12-модда. Оилавий корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Оилавий корхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:
мустақил равишда товарлар ишлаб чиқаришга (ишлар бажаришга, хизматлар кўрсатишга) доир фаолиятни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни) тасарруф этиш ва уларга нарх белгилаш;
мустақил равишда ўз молиявий маблағларини шакллантириш ва қарз маблағларини жалб этиш,

шу жумладан дастлабки (бошланғич) капитални шакллан­тириш учун кредитлар олиш;

лизинг ва сугурта хизматларидан фойдаланиш;

шартномалар тузиш, шу жумладан товарларни (ишлар­ни, хизматларни) харид қилиш ва реализация қилиш учун шартномалар тузиш;

тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

ўз фирма номи ёзилган муҳрлардан, бланкалардан ва штамплардан фойдаланиш ҳамда товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига) эга бўлиш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

Оилавий корхона:

тузилган шартномалар бўйича зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажариши;

оилавий корхонанинг иштирокчилари ва ёлланма ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш миқдорини белгилаши, улар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиши, шунингдек иш берувчи сифатида ўз фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилиши;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши;
меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техника­си, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши;

реализация қилинадиган маҳсулот ва хизматлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлиши; жойлашган ери (почта манзили) ва бошқа ре­квизит­лари ўзгарганлиги ҳақида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

Оилавий корхона қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

13-модда. Оилавий корхона бошлиғининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Оилавий корхона бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:
оилавий корхона номидан ишончмасиз иш кўриш;
юридик ва жисмоний шахслар билан оилавий корхона фаолиятига боғлиқ бўлган шартномалар тузиш;
меҳнат шартномалари (контрактлар) тузиш ва шатларни тасдиқлаш;

ишончномалар бериш.

Оилавий корхона бошлиғи:

оилавий корхонани шахсан бошқариши ва унинг кундалик фаолиятини ташкил этиши;

оилавий корхонанинг мол-мулки билан боғлиқ йирик битимлар тузишда иштирокчиларнинг розилигини олиши;

меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этилишини таъминлаши;

бухгалтерия ҳисоби юритилишини таъминлаши шарт.

Оилавий корхона бошлиғи қонунга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва унинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

14-модда. Оилавий корхона иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Оилавий корхона иштирокчилари қуйидаги ҳуқуқларга эга:
оилавий корхонани бошқаришда, қарорлар қабул қилиш­да, молия-хўжалик фаолиятини назорат қилишда иштирок этиш;

оилавий корхона таъсис шартномасининг шартларига боғлиқ ҳолда фойдадан ўз улушини олиш;

оилавий корхона таркибидан ихтиёрий равишда чиқиш;
агар оилавий корхонанинг таъсис шартномасида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, оилавий корхона таркибидан чиқишда оилавий корхона мол-мулки қий­ма­тининг бир қисми устав фондига ўзи киритган мол-мулк миқдорига мутаносиб равишда қайтариб берилиши ёки шундай қий­матдаги мол-мулк натурал ҳолда ўзига ажратиб берилиши.

Оилавий корхона иштирокчилари оилавий корхонанинг фаолиятида шахсий меҳнати билан иштирок этиши шарт.

Оилавий корхона иштирокчилари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар бўлиши мумкин.

4-боб. Оилавий корхонанинг фаолияти

15-модда. Оилавий корхонанинг мол-мулки

Оилавий корхонанинг мол-мулки:
оилавий корхона иштирокчилари томонидан унинг устав фондига киритиладиган мол-мулқдан;
қарз маблағлари ва кредитлар ҳисобига олинган мол-мулқдан;

товарларни реализация қилишдан, ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан олинган ва оилавий корхонани ривожлантиришга йўналтирилган даромадлардан, шунинг­дек бу даромадлар ҳисобига олинган мол-мулқдан;
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар­дан таркиб топади.

16-модда. Оилавий корхонанинг фаолияти амалга ошириладиган жой

Оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, шу жумладан ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар оилавий корхона фаолияти амалга ошириладиган жойдир.
Оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни улардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжал­ланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди, бундан фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

17-модда. Оилавий корхона фаолиятини амалга ошириш шартлари

Оилавий корхона фаолиятнинг айрим турларини фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлганда амалга ошириши мумкин.

Оилавий корхона акциз солиғи тўланадиган маҳсулот­ни ишлаб чиқаришни ва ер қарьидан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмалар қавлаб олишни, шунингдек юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ёки ягона ер солиғи тўлаш назарда тутилган фаолиятни амалга ошириши мумкин эмас.

Оилавий корхона фаолиятида заҳарли, радиоактив моддалар ва материаллардан, юқори босимли асбоб-ускуналардан ҳамда инсон ва атроф-муҳит учун катта хавф туғдирадиган бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.
Оилавий корхона фойдаланиши мумкин бўлмаган моддалар, материаллар ва асбоб-ускуналарнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Оилавий корхона томонидан сонаот тусидаги фаолиятни кўп квартирали уйнинг турар жойларида амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Оилавий корхона фаолияти қонун ҳужжатларида белги­ланган нормалар ва қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилиши керак.

18-модда. Оилавий корхона маҳсулотини реализация қилиш

Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни нақд пулли ва (ёки) нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича реализация қилиши мумкин.
Оилавий корхона маҳсулотини реализация қилиш у ишлаб чиқарилган жойда амалга оширилиши мумкин.

19-модда. Оилавий корхонада ҳисоб ва ҳисобот

Оилавий корхонада ҳисоб ва ҳисобот, шунингдек унинг фаолияти устидан статистика кузатувлари кичик тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган тартибда юритилади.

5-боб. Оилавий корхонада меҳнат. Оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг ижтимоий муҳофазаси

20-модда. Оилавий корхонада меҳнатга оид муносабатлар

Оилавий корхона иштирокчиларининг шахсий меҳнати­ни амалга ошириш шартлари улар ўртасидаги келишувга кўра белгиланади.

Оилавий корхона (иш берувчи) ва оилавий корхона­нинг ёлланма ходими ўртасидаги меҳнатга оид муноса­батлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракт) билан тартибга солинади.

21-модда. Оилавий корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш

Оилавий корхона оилавий корхонанинг иштирокчилари ва ёлланма ходимлари учун меҳнат ҳақи, мукофотлар ҳамда компенсацияларнинг шаклларини, тизимини ва миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда белгилайди.

Оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходим­ларининг меҳнат ҳақи тарафларнинг келишувига кўра, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлмаган миқдорда белгиланади.

22-модда. Оилавий корхона иштирокчиларининг ва ёлланма ходимларининг ижтимоий муҳофазаси

Оилавий корхона корхонанинг иштирокчилари ва ёлланма ходимларига хавфсиз меҳнат шaroитларини, ижтимоий муҳофаза чораларини таъминлаши шарт ҳамда уларнинг ҳаётига ёки соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлади.

Оилавий корхона корхонанинг иштирокчилари ва ёллан­ма ходимлари учун қонун ҳужжатларида белгиланганига нисбатан имтиёзлироқ меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шaroитларни мустақил равишда белгилашга ҳақли.

Оилавий корхонада иштирокчилар ва ёлланма ходимларнинг ишлаган вақти давлат ижтимоий сугуртаси бўйича бадаллар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юритила­диган меҳнат дафтрачасидаги ёзувлар асосида меҳнат стажига қўшилади.

Оилавий корхона оилавий корхонанинг иштирокчилари ва ёлланма ходимлари ҳаётига ёки соғлимига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки улар ўз меҳнат вази­фаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши сабабли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича ўз фуқаролик жавобгарлигини иш берувчи сифатида қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар ва тартиб асосида сугурталаши шарт.

6-боб. Оилавий корхона фаолияти эркинлигининг кафолатлари

23-модда. Оилавий корхонани давлат томонидан кўллаб-қувватлаш

Давлат оилавий корхонанинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат органлари оилавий корхонани ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиши шарт.

Давлат органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

фойдаланилмаётган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар уларда товарлар ишлаб чиқаришни (ишлар бажаришни, хизматлар кўрсатишни) ташкил этиш учун оилавий корхонага ижарага берилишини;
ишлаб чиқариш майдонлари қуриш учун оилавий корхонага ер ажратилишини;
оилавий корхона ишлаб чиқариш объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини;
оилавий корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш учун махсус жойлар берилишини таъминлайди.

24-модда. Оилавий корхона мол-мулкнинг национализация, мусодара ва реквизиция қилинишига йўл қўйилмаслиги

Оилавий корхонанинг мол-мулки национализация, мусодара ва реквизиция қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

25-модда. Оилавий корхона фаолиятининг эркинлиги

Оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиши мумкин.
Оилавий корхона битимлар тузишда эркиндир.
Оилавий корхона фаолиятини амалга оширишда, шу жумладан унинг томонидан технологияларни, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг ассортиментини танлашда, маҳсулот нархини ҳамда уни реализация қилиш йўналишларини белгилашда давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

26-модда. Оилавий корхонага солиқ солиш хусусиятлари

Оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ягона солиқ тўловини тўловчидир.

Оилавий корхонанинг фаолияти (2012 йил)

Оилавий корхонанинг фаолияти (2012 йил)

Оилавий корхонанинг фаолияти (2012 йил)

Оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирок­чилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Оилавий корхона меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий фон­дларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб­да мажбурий тўловлар тўлайди.
Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.
Бундай буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

27-модда. Оилавий корхона фаолиятини текширишларнинг чекланиши

Оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти у давлат рўйхатидан ўтказилган пайддан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмайди, бундан бюджет маблағларидан ва марказлаштирилган маблағлардан ҳамда ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар мустасно.

28-модда. Оилавий корхонанинг коммунал инфратузилма объектларидан фойдаланишини таъминлаш

Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга оширилаётган жойгача етказилишини ҳамда уланишини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида таъминлайди.

29-модда. Оилавий корхонага банк хизмати кўрсатиш ва уни кредитлаш

Оилавий корхонага банк хизмати кўрсатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ банк билан тузилган шартнома­лар асосида амалга оширилади.

Банklar белгиланган тартибда оилавий корхонанинг миллий ва хорижий валютадаги ҳисобварақларини очади ҳамда уларга хизмат кўрсатади.

Оилавий корхонани кредитлаш банк ёки бошқа кредит ташкилоти билан тузиладиган кредит шартномаси асосида амалга оширилади.
Оилавий корхонага кредитлар беришда банклар, бошқа кредит ёки сугурта ташкилотлари кафолат берувчи бўлиши мумкин.
Тўловга қобилиятли юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафил бўлиши мумкин.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

3

Сифат – иқтисодий ривожланиш мезони

(Давоми. Бошланиш 1-бетда)

Шиддат билан ривожланаётган глобал бозор шароити маҳсулотлар, хизматлар, ташкилотлар, ходимлар ва бошқарув услубларига турли талабларни қўймоқда. Ушбу талаблар хилма-хиллигини бир сўз — «сифат» тушунчаси билан ифодалаш мумкин.

ISO 9000 стандарти ўз ичига олган талабларга қорхона қандай маҳсулот чиқариши ёки қандай хизматлар кўрсатишидан қатъи назар, унинг сифатни кафолатлаш бўйича ишларни ташкил этиши ҳам мос келиши лозим. Қайси қорхонада бошқарув жараёнини амалга оширишга ёрдам берадиган сифатни бошқариш тизими қайд этилган стандартлар талабларига мос келса, бу қорхонанинг юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариши ёки хизматлар кўрсатиши таъминлашга қодирлигининг исботи сифатида қабул қилинади.

Шу сабабли 2007 йил 3 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида халқаро стандартларга мос менежмент тизимини жорий этиш ва ривожлантириш дастурига биноан амалга оширилаётган тадбирлар товар ва хизматлар сифатини ошириш, иқтисодий ёндашувни ривожлантириш учун хорижий

инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, мамлакатимизни барқарор ривожлантириш ва унинг халқаро бозорга интеграциялашуви орқали экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган.

Форумни ўтказишдан кўнрақ мақсад миллий иқтисодий тизимини янада ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш, мамлакатимиз қорхоналарига илғор ғоялар ва сифат менежментининг замонавий услубларини амалиётга татбиқ этишда кўмаклашиш, сифат менежментининг замонавий фалсафаси тарафдорларининг Умумий бошқарув сифати (Total Quality Management) принциплари асосида жамиятда ишлаб чиқариш ва янги одоб-ахлоқ маданиятини шакллантириш бўйича оммавий харақатга мутахассислар ва аҳолининг кенг қатламларини жалб қилишга доир саъй-харақатларни бирлаштириш каби долзарб вазифаларни ҳал этишдан иборат.

«Ўзстандарт» агентлиги бош директорининг ўринбосари Азиз Йўлдошевнинг таъкидлашича, сифатни тақомиллаштириш, иқтисодиётга чет эл капиталини жалб қилиш орқали мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсат, шубҳасиз, товар ва хизматлар рақобатбардош-

лигини кучайтиришда асосий омил ҳисобланади.

Тадбирда таниқли олимлар, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ва мутахассислари, йирик саноат қорхоналари ва ташкилотларнинг сифат бўйича менежерлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, шунингдек, Россия, Қозғоғистон, Япония, Канада, Венгрия, Финляндия, Германия, Сингапур, Туркия каби мамлакатлардан сифатни бошқариш соҳасининг етакчи экспертлари маъруза қилди.

Американинг «ASQ» сифат жамияти бошқаруви раиси Жеймс Рунининг айтишича, халқаро савдо ва ишлаб чиқариш алоқаларини ривожлантириш истеъмолчилар томонидан маҳсулот сифатига қўйилган талабларни оширишда. Бунинг учун халқаро сифат стандартлари ва уларга мос ҳужжатлар — дунёнинг турли давлатларида тан олинадиган сифат сертификатлари мажбур бўлиши лозим.

Тадбирда Олмалик конметаллургия комбинати, Гидрометеорология маркази (Ўзгидромет), «Евронар» ва «Uztex-Chirchik» кўшма қорхоналари маъмулият чекланган жамиятларига ISO 9000 сертификатлари топширилди.

М. МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири.

Бунёдкорлик саодати

Тошкент вилоятида жорий йилнинг биринчи чорагида фаолият бошлаган 53 та янги қорхонанинг 12 таси қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Интилиш

Айни пайтда, асосан, девор ва шифтбоп ҳамда турли пардозлаш ашёлари тайёрланаётган мазкур тадбиркорлик субъектлари томонидан қиймати 2,5 миллиард сўмликдан ортиқ сармоюлар ўзлаштирилиб, 146 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Бундан таш-

қари, бир қатор турдош қорхоналарда модернизация лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилиб, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди.

Чиноз туманидаги пишиқ гишт ишлаб чиқарувчи «Меҳнат» масъулият чекланган жамияти — шулардан бири. Бу ерда банк-

нинг 300 миллион сўмлик молиявий кўмаги ҳисобидан технологик линия ва жиҳозлар янгилашиб, кўшимча қувватлар ишга туширилгач, йилга 15 миллион дона сифатли деворбоп маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бозорининг яқунлари (2012 йил 1-чораги ҳолатига кўра)

Сўғурта назарияси ва амалиёти шуни кўрсатадики, мажбурий сўғурта давлат ва жамият учун муҳим бўлган соҳаларда татбиқ қилинади. Давлат томонидан мажбурий сўғурта моддий зарар қоплашиши принциплари аҳолига эга бўлган жамият манфаатлари билан боғлиқ объектларга нисбатан қўлланилади.

2008 йил 21 апрельда қўра кирган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича ҳозирда ДАСК «Ўзагросўғурта» (ОАЖ), ДАСК «Кафолат» (ОАЖ), «Ўзбекинвест» МЭИСК, «Alfa Invest» СТ ЁАЖ, «Kapital Sug'urta» ОАЖ, «Asia Inshurans» МЧЖ СК, «Alskom» ОАЖ СК, «Universal Sug'urta» ЁАЖ, «Ishonch» БСК компаниялари фаолият олиб бормоқда.

2012 йилнинг уч ойи мобайнида республикамиз сўғурта бозорини мазкур компаниялар томонидан жами мажбурий сўғурта тури бўйича 460 279 дона сўғурта полиси расмийлаштирилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 91,3 фоизни ташкил этади. Ушбу даврда қабул қилинган сўғурта мажбуриятлари ҳажми эса жами 2 507,1 млрд. сўмга (100,1%) тенгдир.

Жорий йилнинг 1-чораги давомида, шунингдек, сўғурта компаниялари томонидан жами 1 224 дона (89,4%), яъни 1 650,1 млн. сўмлик (104,4%) сўғурта даъволари қониктирилиб, 19 дона (28,8%), 36,5 млн. сўмлик (110,4%) сўғурта даъволари эса қониктирилмасдан қолдирилди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар сўғурта компаниялари кесимида

| Т/р | Сўғурта компаниялари | Тузилган сўғурта шартномалари сони (дона) | | | Келиб тушган сўғурта мукофоти (млн. сўм) | | | Қониктирилган сўғурта даъволари (млн. сўм) | | |
|--|----------------------------|---|-------------|------------------------|--|-------------|------------------------|--|-------------|------------------------|
| | | Жами | Улуши % | Ўтган йилга нисбатан % | Жами | Улуши % | Ўтган йилга нисбатан % | Жами | Улуши % | Ўтган йилга нисбатан % |
| 1. | ДАСК «Ўзагросўғурта» (ОАЖ) | 204 928 | 44,5 | 82,2 | 5 058,2 | 37,6 | 87,9 | 520,5 | 31,5 | 111,2 |
| 2. | ДАСК «Кафолат» (ОАЖ) | 75 174 | 16,3 | 87,6 | 2 570,4 | 19,1 | 97,1 | 297,0 | 18,0 | 131,0 |
| 3. | «Ўзбекинвест» МЭИСК | 26 294 | 5,7 | 85,0 | 882,7 | 6,6 | 89,1 | 39,4 | 2,4 | 50,7 |
| Давлат улуши мавжуд компаниялар бўйича, ЖАМИ: | | 306 396 | 66,6 | 83,7 | 8 511,3 | 63,2 | 90,6 | 856,9 | 51,9 | 110,9 |
| 4. | «Alfa Invest» СТ ЁАЖ | 44 542 | 9,7 | 116,1 | 1 375,8 | 10,2 | 135,7 | 292,0 | 17,7 | 89,7 |
| 5. | «Kapital Sug'urta» ОАЖ | 31 946 | 6,9 | 89,5 | 1 122,3 | 8,3 | 97,1 | 184,4 | 11,2 | 111,1 |
| 6. | «Alskom» ОАЖ СК | 30 345 | 6,6 | 101,7 | 816,2 | 6,1 | 103,3 | 69,8 | 4,2 | 92,4 |
| 7. | «Asia Inshurans» МЧЖ СК | 29 812 | 6,5 | 140,4 | 1 037,9 | 7,7 | 143,0 | 209,2 | 12,7 | 103,0 |
| 8. | «Ishonch» БСК | 8 920 | 1,9 | 129,9 | 323,9 | 2,4 | 164,7 | 11,3 | 0,7 | 48,0 |
| 9. | «Universal Sug'urta» ЁАЖ | 8 318 | 1,8 | 136,5 | 273,4 | 2,0 | 138,6 | 26,6 | 1,6 | 180,9 |
| Бошқа компаниялар бўйича, ЖАМИ: | | 153 883 | 33,4 | 111,4 | 4 949,4 | 36,8 | 121,3 | 793,2 | 48,1 | 98,1 |
| ЖАМИ | | 460 279 | | 91,3 | 13 460,7 | | 99,9 | 1 650,1 | | 104,4 |

Худудларо йирилган сўғурта мукофотлари бўйича Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти етакчилик қилмоқда. Улар мутаносиб равишда сўғурта бозорининг 28,30% ва 11,48% улушини эгаллаган. Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг улушлари энг кам бўлиб, мос равишда 1,84% ва 1,66%ни ташкил қилади. Қолган худудлар улушлари куйидаги жадалда кўрсатилган:

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича асосий кўрсаткичлар республикамиз худудлари кесимида

| Т/р | Худудлар | Тузилган сўғурта шартномалари сони (дона) | | | Келиб тушган сўғурта мукофоти (млн. сўм) | | | Қониктирилган сўғурта даъволари (млн. сўм) | | |
|-------------|------------------------------|---|---------|------------------------|--|---------|------------------------|--|---------|------------------------|
| | | Жами | Улуши % | Ўтган йилга нисбатан % | Жами | Улуши % | Ўтган йилга нисбатан % | Жами | Улуши % | Ўтган йилга нисбатан % |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 16 608 | 3,6 | 92,2 | 375,7 | 2,8 | 103,7 | 17,2 | 1,0 | 94,2 |
| 2. | Андижон вилояти | 31 826 | 6,9 | 92,7 | 883,6 | 6,6 | 98,4 | 63,8 | 3,9 | 101,5 |
| 3. | Бухоро вилояти | 41 362 | 9,0 | 88,9 | 984,1 | 7,3 | 94,0 | 21,4 | 1,3 | 98,9 |
| 4. | Жиззах вилояти | 12 873 | 2,8 | 95,1 | 247,8 | 1,8 | 107,1 | 3,4 | 0,2 | — |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 33 473 | 7,3 | 81,1 | 740,0 | 5,5 | 86,4 | 26,6 | 1,6 | 178,2 |
| 6. | Навоий вилояти | 16 047 | 3,5 | 74,3 | 422,0 | 3,1 | 73,5 | 15,7 | 0,9 | 141,2 |
| 7. | Наманган вилояти | 24 720 | 5,4 | 95,2 | 675,1 | 5,0 | 104,7 | 41,1 | 2,5 | 68,3 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 43 466 | 9,4 | 94,9 | 1 172,1 | 8,7 | 100,9 | 30,3 | 1,8 | 133,7 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 16 265 | 3,5 | 83,0 | 414,4 | 3,1 | 93,8 | 13,5 | 0,8 | 199,5 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 10 483 | 2,3 | 102,5 | 223,8 | 1,7 | 111,8 | 51,7 | 3,1 | 195,2 |
| 11. | Тошкент вилояти | 50 030 | 10,9 | 98,9 | 1 545,9 | 11,5 | 105,5 | 200,0 | 12,1 | 120,3 |
| 12. | Фарғона вилояти | 41 878 | 9,1 | 97,0 | 1 318,6 | 9,8 | 107,7 | 35,6 | 2,2 | 95,4 |
| 13. | Хоразм вилояти | 32 650 | 7,1 | 94,0 | 648,2 | 4,8 | 99,4 | 10,3 | 0,6 | 70,3 |
| 14. | Тошкент шаҳри | 88 598 | 19,2 | 89,6 | 3 809,5 | 28,3 | 102,6 | 1 119,4 | 67,8 | 100,1 |
| ЖАМИ | | 460 279 | | 91,3 | 13 460,7 | | 99,9 | 1 650,1 | | 104,4 |

2012 йилнинг 1-чораги мобайнида сўғурта компаниялари томонидан сўғурта мукофоти бўйича 20 050 сўғурталовчига 265,6 млн. сўм миқдориди сийловлар берилди. Ушбу давр давомида Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан сўғурта компаниялари жамғармага тақдим этган ҳужжатлар асосида 7 381 та сўғурта шартномаси бўйича 105,4 млн. сўмлик сийловлар компенсация қилинди. Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги 76 та илтимоснома бўйича эса 102,7 млн. сўм миқдориди компенсация тўловлари амалга оширилди.

Маълумотлар сўғурта компаниялари ҳисоблари асосида тайёрланди.

Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш бўйича Тўловларни кафолатлаш жамғармаси.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг қорхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.
Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.
2012 йилдаги эҳтиёжни йил чорақларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

XALQ BANKI

Омонатга қўйилган пулларнинг бут сақланиши ҳамда тўлиқ қайтарилиши давлат томонидан кафолатланади.

Хизматлар лицензияланган.

| Омонат номи | Депозит тури | Бошланғич бадал миқдори | Муддати |
|------------------|--------------|------------------------------|---------|
| МУСТАҲКАМ ОИЛА | Жамғарма | Камида 100 000 сўм миқдориди | 1 йил |
| НАВРЎЗ ИФОРИ | Муддатли | Чекланмаган миқдорда | 6 ой |
| КОММУНАЛ ХИЗМАТИ | Жамғарма | Камида 100 000 сўм миқдориди | 1 йил |

Омонатлар Халқ банкининг барча бўлимларида қабул қилинади.

«RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибиди ўтказиладиган ТАҚРОРИЙ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Аукцион савдосига суд ижрочиларининг Хонобод шаҳар бўлими томонидан, Андижон вилояти ҳўжалик судининг 2010 йил 25 ноябрдаги 17-1008/12558-сонли ижро варақага асосан хатланган, «2-сон ҚМ» ОТЎЖга тегишли, Хонобод шаҳри, Ўш кўчаси, 6-уйда жойлашган, 1963 йилда қурилган, жами қурилиш майдони 2 661,32 кв.м., жами фойдаланиш майдони 1 249,29 кв.м. бўлган «Қурилиш базаси» бино-иншоотлари.

Бошланғич баҳоси — 290 226 061 сўм.

Кизиқиб билдирган талабдорлар бино-иншоот (кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокда бевоқифа жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси 2012 йил 15 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги кўчмас мулклар 2012 йил 15 май куниндаги аукционда сотилмаган тақдирда, тақрорий савдо 2012 йил 29 май, 12 июнь, 26 июнь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабдорларнинг аризалари Андижон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 30-уйда иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Аукцион яқунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади. Савдода қатнашиш истагидаги талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдориди закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Rieltor ekspress konsalting» МЧЖнинг «Трастбанк» Андижон шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704927796001, МФО: 01074, СТИР: 302067760.

Манзил: Андижон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 30-уй.
Мўлжал — Давлат мулки қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биносининг 1-қавати.
Телефонлар: (8-374) 990-00-82, 224-44-96, 910-11-12.

Лицензия RR-0026.

NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

HYUNDAI

ELANTRA

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

DONGNAM UZ MOTORS

Тел.: (+99871) 250-11-11. Факс: (+99871) 250-55-99.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари диққатига!

Телефон рақамларини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида **шошилич ва маълумотлар хизматларига чиқиш алоқасига янги тартиб киритилди.**

Авалгил тартиб 01, 02, 03, 04, ..., 0xx 2012 йил 1 июнгача амал қилади.

| | |
|----------------------------------|----------|
| «01» (ёнгин хавфсизлиги хизмати) | — «101» |
| «02» (милиция) | — «102» |
| «03» (тез тиббий ёрдам) | — «103» |
| «04» (газ хизмати) | — «104» |
| «050» (кутқарув хизмати) | — «1050» |
| «0xx» (бошқа хизматлар) | — «10xx» |

Маълумот олиш учун телефон: 200-31-31.

«КО‘СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг Жиззах вилояти филиали

«Халқ сўзи» газетасининг 2012 йил 21 апрелдаги 78 (5498)-сониди чоп этилган эълоннинг 3-бандига куйидагича тузатиш киритади:

....Жиззах шаҳри, Ўратепалик маҳалласи, Халқлар дўстлиги шохқўчасида жойлашган, «Эригона плюс» ХҒга қарашли, А-литердаги 28 хонали меҳмонхона ва ертўла, В-литердаги 3 хонали айвонлар, В-литердаги хожатхона, савдо дўкони ва меҳмонхона бинолари мулкий мажмуаси бўйича аукцион савдоси 2012 йил 23 май куни ўтказилади, аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2012 йил 21 май куни соат 18.00.


Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси жамоаси раис ўринбосари Камолитдин Содиқовга акаси

Хилолдин СОДИҚОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси бош муҳандис Носир Султановга налари бузқуворини

Рашид СУЛТАНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЮЗМА-ЮЗ



Газета ва Газетхон:
Газета ва Газетхон:



— Ўн сотих томоркам бор. Сув ва бошқа ресурслар ёрдамида ундан фойдаланиб, даромад олганлигим учун ер солиғи тўлаш лозимлигини яхши билман. Бироқ баъзан сув тақчиллиги туфайли ундан самарали фойдалана олмаман. Бундай ҳолларда ер солиғи тўлови қайта кўриб чиқиладими?

К. МАХМУДОВ.
Поп тумани

Ер солиғи ва имтиёз

— Солиқ кодексининг 287-моддасига мувофиқ, мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этган ва ташиқ этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари ер солиғини тўловчилар ҳисобланади.

Мазкур Кодекснинг 294-моддаси, 5-қисмида қайд этилганидек, белгиланган тартибда берилган ер участкалари учун ер солиғи ер участкасидан фойдаланиш фактидан қатъи назар, жисмоний шахслар томонидан тўланади.

Ер солиғи бўйича имтиёزلарни бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилиши мумкин.

О. РУСТАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари.

Омонатни қайтариш кечиктирилса...

— Банка қўйилган омонатнинг муддати якунланиб, мижоз пулини қайтариб олмакчи бўлса-ю, молия муассасаси уни турли баҳоналар билан кечиктирса, кечиктирилган ҳар бир кун учун қўшимча фоиз тўланадими?

А. АБРОРОВ.
Оҳангорон тумани

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 766-моддасига мувофиқ, банк омонатчининг омонати ёки унинг бир қисмини қайтариш ҳақидаги талабини ушбу Кодекснинг 762-моддасида назарда тутилган муддатларда баҳармаган тақ-

дирда, мазкур Кодекснинг 327-моддасига асосан, омонатга фоизлар тўлашдан қатъи назар, келтирилган зарарни тўлаш шарт.

Ш. ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари.

— Якка тартибдаги тадбиркор сифатида веб-сайтларни яратиш билан шуғулланмоқчи эдим. Бундай турдаги фаолият учун лицензия олиш шартми?

Б. НЕЪМАТОВ.
Миробод тумани

Веб-сайт яратишга лицензия керакми?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарорига мувофиқ, веб-сайтларни яратиш, дастурлаш, дизайн-макетларини тузиш бўйича хизматлар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан лицензияланмади.

Мазкур қарор билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низом"нинг 3-бандига асосан, телекоммуникациялар соҳасида телекоммуникациялар тармоқлари лойиҳалаштирилиши, курилиши, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматлар кўрсатиши лицензияланади.

Таъкидлаш жоизки, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркор)нинг телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятнинг лицензияланганидан турларини амалга ошириши тақиқланади.

А. ИШАНХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари.



— Йўл-патруль хизмати ходимлари биздан автомобилларда дори қутиси (аптечка) ва ўт ўчиргич бор-йўқлигини сўрашяпти. Амалдаги қонунчилик бўйича шу нарсалар бўлмаган ҳолда қандай чора қўрилади?

Х. НОРБОВЕВ.
Олмазор тумани

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

— Мамлакатимизда йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш мақсадида янги тартиб-қоида жорий қилинганидан хабардорман. Албатта, ҳамма ишинг қонуний бўлгани яхши. Мен ҳам ҳайдовчиман. Шахсий автомобил бор. Лекин белгиланган талаблар асосида таксичлик билан шуғулланиш учун қайси идорага, қандай ҳужжатлар билан мурожаат қилиш керак, очиги, буни билмайман. Маслаҳат берсангиз.

Х. ФАХРИДИНОВ.
Қорши шаҳри



Қонуний фаолиятга имконият кенг

— Шахсий автомобиль билан таксичлик фаолиятини бошлаш истагидаги фуқаролар ўзлари яшаб турган ҳудуддаги йўловчи ташиш хизматлари кўрсатувчи корхона ёки ташиқлотга мурожаат қилиб, мутасаддилардан тегишли йўлланмаларни олишлари мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, йўналишсиз таксилар учун вилоятларда сарик, Тошкент шаҳри-

да "фил суюғи" ранги танланган. Автоуловни ана шу рангга бўйлаб ишлари транспорт воситасининг эгаси ёхуд корхона томонидан амалга оширилиши мумкин. Корхона билан ижара ва меҳнат шартномаси тузилган, автомобиль ички ва ташқи томондан жиҳозланиб, унга махсус серияли давлат рақам белгиси берилади. Шундан сўнг корхона тегишли тартибдаги лицензия варақаси билан таъминлайди ва ҳайдовчи таксичлик фаолиятини амалга оширишга киришади.

Қонуний асосда йўловчи ташиш билан шуғулланувчиларга бир қатор имкониятлар мавжуд. Жумладан, ҳайдовчи иш ўрни билан таъминланиб, шартнома тузган корхонасидан ойлик маош олади. Шунингдек, меҳнат фаолияти давомида унинг пенсия жамғармасига пул

жамғариб борилади. Мабодо тоби қочиб, ишга чиқолмай қолса, касаллик варақаси бўйича фаолият юритмаган кунлари учун ҳам иш ҳақи тўланади. Яъни ижтимоий қўллаб-қувватланади. Бундан ташқари, транспорт воситаси қуллик ва мавсумий техник қўриқдан ўтказиб турилади.

Давлатимиз томонидан мана шундай кенг имтиёз ва қулайликлар яратиб берилгани учун ҳам қўллаб-қўйишга умидимиз. Уларга олинган қарор талаблари мувофиқ ишлашни афзал қўришмоқда.

Т. ХОЛИҚОВ,
«Ўзавтодарётранс» агентлиги Қашқадарё ҳудудий бўлими бошлиғи.

— Университетда ўқийман. Ўқитдан бўш пайтларимда ишлашим мумкинми?

А. АНОРОВ.
Сариқосиё тумани

Ҳам ўқиб, ҳам ишламоқчиман

— Қонун ҳужжатларида ишни таълим билан бирга олиб бориш тақиқланмаган. Бироқ айрим таълим муассасаларининг низомларида ушбу масала бўйича тегишли шартлар кўрсатилган бўлиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 248-моддасига асосан, ишлаб чиқаришда касбга доир таълим олаётган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малакасини ошираётган ёки таълим муассасаларида ўқитган ходимларга ишни таълим билан бирга қўшиб олиб боришлари учун иш берувчи зарур шароитлар ярати бериши шарт. Бу иш берувчи ва ходим билан тузилган меҳнат шартномаларида келишиб олинади.

Д. МАТРАСУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси бошлиғи.



Ўзумини ен...

— Ҳовлимиздаги ток баҳорда шода-шода мева қилади. Аммо кўп ўтмай, узум дончалари ривожланмай қотиб қолади. Шу сабабли деярли ҳосил ололмаймиз. Бу қандай касаллик бўлди?..

У. ҲАЙТОВ.
Якқоб тумани

— Токзорларга энг кўп оидиум ёки ун шудринг касаллиги зиён етказади. Бу ҳолат, асосан, баҳор мавсумида кузатилади ва ток барги, поя ҳамда мевалари зарарланади. Касалликка қарши қўйидаги тадбирларни ўтказишни тавсия этамиз:

- 1) Токка қуртлар ёки шудринг даврида фунгицидлар билан келишиб олинади.
- 2) Гуллашдан олдин ва кейин хомтоқ қилиш (бунда ток барги ва новдалари сийрақлашиб, ҳаво айланиши яхшиланади).
- 3) Гуллашдан олдин ва кейин яна фунгицидлар билан ишлов бериш.

4) Умуман, мавсум мобайнида об-ҳаво шароитига қараб фунгицидлар билан тўрт-беш мартаба ишлов бериш: Топаз — 0.3 л/га, Фолликур БТ — 0.25 л/га, Топс — 0.25 л/га, Ридомил Голд — 2.0 — 2.5 кг/га, Импакт — 0.25 л/га, Бампер — 0.25 л/га, Крест — 0.25 л/га.

Мана шу тадбирларни ўз вақтида амалга оширсангиз, ўйлаймики, қутилган ҳосилни олишга эришасиз.

А. САДУЛЛАЕВ,
Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти директори.

— Фарзандимни шифокор кўригидан ўтказганимизда, «Оқсил моддаси камайиб кетибди», деб бир қанча дори-дармон ёзиб берди. Оқсил моддасини табиий усул билан меъёрига келтирса бўлмайди?

Л. ОРЗИЕВА.
Новоий шаҳри

Соғлом фарзанд ўстириш

— Албатта, бўлади. Бола организмда оқсил моддаси камайиб кетмаслиги учун кўпроқ гўшт, тухум, балиқ, парранда гўшти ва дуккакли маҳсулотлар билан таъминланган бўлиши керак. Бу танада оқсил моддаси етишмовчилиги кузатилишининг олдини олишга ёрдам беради.

Ю. МАЛИКОВ,
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Новойи вилояти филиали директори.

Автомобилларда дори қутиси бўлиши шартми?

— Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2001 йил 1 мартдан эътиборан амалга киритилган "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 3-иловасида "Транспорт воситаларидан фойдаланишнинг тақиқловчи шартлар" белгиланган.

Ушбу илованинг 7.9-бандида автомобилларда тиббийёт қутчаси (аптечка), фавкуллодда ҳолатларда ойнани синдириш учун фойдаланиладиган болғача, ўт ўчиргич, мажбурий тўхтаганини билдирувчи белги (милтиловчи қизил чирок);

микроавтобус, юк ва энгил автомобилларда тиббийёт қутчаси (аптечка), ўт

ўчиргич, мажбурий тўхтаганини билдирувчи белги (милтиловчи қизил чирок)лари йўқ бўлган тақдирда, транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқлангани белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 125-моддаси, 5-қисмида фойдаланиш белгиланган тартибда ман этилган транспорт воситаларини бошқарганлик учун маъмурий таъсир чораси қўллаш назарда тутилган.

Х. САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи.



Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон? Хатларингизни кутамиз!

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5